

## БАНК ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ (RCSA) ВА ЖАРАЁНЛАРНИ ХАРИТАЛАШ (PROCESS MAPPING) ИНТЕГРАЦИЯСИ

Абдирашитов Дилмурод Шокир ўғли

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

E-mail: abdirashitov97@inbox.ru

Телефон: +99888 496 44 40

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20351400>

### Аннотация

Ушбу тезисда тижорат банкларида операцион рискларни аниқлашда бизнес-жараёнларни декомпозиция қилиш ва рискни ўз-ўзини баҳолаш (RCSA) усуллари интеграция қилиш масалалари кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** *Операцион риск, RCSA, Process Mapping, Блок-схема, Риск-менеджмент, Риск-матрица, Декомпозиция, Ўзбекистон банк тизими.*

### Аннотация

В данном тезисе рассматривается интеграция методов декомпозиции бизнес-процессов и самооценки рисков (RCSA) при выявлении операционных рисков в коммерческих банках.

**Ключевые слова:** *Операционный риск, RCSA, Process Mapping, Блок-схема, Управление рисками, Матрица рисков, Декомпозиция, Банковская система Узбекистана.*

### Annotation

This thesis examines the integration of business process decomposition and risk self-assessment (RCSA) methods in identifying operational risks in commercial banks.

**Keywords:** *Operational risk, RCSA, Process Mapping, Flowchart, Risk Management, Risk Matrix, Decomposition, Banking system of Uzbekistan.*

Банк хизматларининг рақамлашиши инсон омили ва тизим носозликлари билан боғлиқ операцион рискларни оширмақда. Матнли регламентлар жараённинг “заиф нуқталари”ни аниқлашда етарли бўлмагани сабабли, жараёнларни хариталаш (Process mapping) орқали рискларни визуаллаштириш долзарб ҳисобланади. (“COSO-ERM-Integrating with Strategy and Performance Executive Summary”, 2017)

### Назарий асослар ва амалий аҳамият

Операцион рискларни бошқаришнинг назарий асослари халқаро миқёсда COSO ERM ва ISO 31000 стандартларига таянади. Ушбу стандартларга кўра, операцион риск — бу ички жараёнлар, инсонлар ва тизимларнинг ноадекватлиги ёки носозлиги, ёхуд ташқи воқеалар натижасида юзага келадиган йўқотишлар хавфидир. Тадқиқотнинг назарий негизини ташкил этувчи GARP (Financial Risk Manager) стандартларида RCSA (ўз-ўзини баҳолаш) инструменти рискларни “пастдан юқорига” (bottom-up) тамойили асосида аниқлашнинг энг самарали усули сифатида эътироф этилган. Жараёнларни хариталаш (Process Mapping) эса банк хизматларининг “визуал скелети”ни яратиш, матнли регламентларда кўринмайдиган “заиф нуқталар”ни (bottlenecks)

юзага чиқаради. Ушбу икки ёндашувнинг интеграцияси назарий жиҳатдан банкнинг операцион барқарорлигини таъминловчи яхлит назорат муҳитини яратади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти рискларни визуаллаштириш, назорат самарадорлиги, прогнозлаш имконияти ва регулятор талабларига мувофиқликни таъминлашдан иборатдир.

### **Методология**

Ушбу тадқиқотда тизимли таҳлил ва график моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда жисмоний шахслар омонатларини очиш жараёни COSO ERM (2017) ва ISO 31000 стандартлари асосида 10 та босқич (Маҳсулотни ишлаб чиқиш, Маҳсулотни жорий этиш, Маҳсулотни илгари суриш ва сотув, Мижозни идентификация қилиш, Мижоз билан шартнома тузиш, Маблағларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш, Омонат ҳисобварақларини мобил иловага улаш ва хабарномалар юбориш, Юридик кузатув, ИТ/Ахборот хавфсизлиги, Ликвидлилик riskини бошқариш)га декомпозиция қилинди. (“ISO-31000”, 2018) Ҳар бир босқичдаги рисклар 5 × 5 ўлчамли сифат матрицаси ва “bottom-up” ёндашуви орқали баҳоланди. (GARP, 2025) Тадқиқотда Process Mapping жараёнини визуал скелетини яратишга хизмат қилса, RCSA ушбу скелетнинг ҳар бир бўғинидаги яширин рискларни субъектив тажриба ва объектив таҳлил асосида баҳолаш имконини беради, натижада уларнинг интеграцияси “назорат бўшлиқлари”ни тўлиқ қамраб олишни таъминлайди.

### **Маълумотларни тўплаш жараёни**

Тадқиқот доирасида маълумотларни тўплаш икки босқичли ёндашув асосида амалга оширилди. Биринчи босқичда банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари, жумладан, жисмоний шахслар омонатларини очиш ва юритиш бўйича регламентлар ҳамда операцион рискларни бошқаришга оид 3427-сонли Низом талаблари ўрганилди. Иккинчи босқичда рискларни идентификация қилиш мақсадида RCSA интервью (Risk Control Self-Assessment Interview) усули қўлланилди. Маълумотлар тўплаш жараёни интервью объектлари, саволлар тузилмаси, декомпозиция ва қайд этиш, риск-матрицани шакллантириш тартибда ташкил этилди. Тўпланган маълумотлар Process Mapping (жараёнларни хариталаш) усули билан қиёсланиб, матнли регламентларда кўрсатилмаган, аммо интервью жараёнида аниқланган “инсон омили” ва “техник носозликлар” билан боғлиқ рисклар тизимлаштирилди.

### **Таҳлил учун қўлланиладиган усуллар**

Таҳлиллар натижасида омонат очиш жараёнида 4 та критик операцион риск аниқланди. Хусусан:

- Янги маҳсулот учун техник-иқтисодий асоснома (ТИА) мавжуд эмаслиги сабабли регулятор томонидан жарима солиниш хавфи; (O’RQ-580-сон 05.11.2019. “Banklar va bank faoliyati to’g’risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqida, 2019)

- Банкнинг автоматлаштирилган тизими (IABS)га маълумотларни киритишда “тўрт кўз” тамойили бузилиши натижасида фоизлар нотўғри ҳисобланиш хавфи.

Назорат чоралари ва Асосий хавф кўрсаткичлари (Key Risk Indicator - KRI) жорий этилиши натижасида дастлабки "Юқори" даражадаги рискларнинг 75% и "Паст" даражага туширилди.

Аниқланган операцион рискларни тизимли равишда кузатиб бориш учун KRI белгиланди. (3427-сон 18.04.2023. Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида, no date) Хусусан, операцион самарадорликни таъминлаш мақсадида ТИА билан асосланмаган маҳсулотлар сони (йиллик лимит – 2 та) ва омонат фоизлари ҳисобланишидаги хатоликлар улуши (лимит – 1% дан ошмаслиги) мониторинг қилиниши шарт деб белгиланди. Бу банкка хавф чегарадан ошганда тезкор чоралар кўриш имконини беради.

### **Хулоса**

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Process Mapping ва RCSA усуларини интеграция қилиш операцион барқарорликни таъминлашда энг мақбул ечим ҳисобланади. Ушбу икки ёндашувнинг биргаликда қўлланилиши нафақат мавжуд рискларни визуаллаштириш, балки матнли регламентларда кўзда тутилмаган "яширин" хавфларни ҳам эрта аниқлаш имконини беради. "Амалий тавсия сифатида, банклардаги барча бизнес-жараёнларни босқичма-босқич хариталаш, "IABS" модулларини мазкур хариталар асосида такомиллаштириш ва ходимларнинг риск-маданиятини ошириш мақсадида уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 3427-сонли Низоми талаблари бўйича мунтазам ўқитиб бориш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот яқунлари бўйича RCSA ва Process Mapping усуллари билан рискларни минималлаштиришга эришилди, KRI лар орқали рискларни мониторинг қилиб бориш имконини беради ва "IABS"даги операцияларда имкон қадар автоматлаштириш орқали инсон омилини камайтириш рискларни минималлаштиришга хизмат қилади деган хулосаларга келинди.

### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

- 1.3427-сон 18.04.2023. Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (2023). Available at: <https://lex.uz/docs/6436466> (Accessed: 21 April 2026).
2. "COSO-ERM-Integrating with Strategy and Performance Executive Summary" (2017).
3. GARP (2025) FRM® Study Material, Guide, Books, Practice Exams. Available at: <https://www.garp.org/frm/study-materials> (Accessed: 21 April 2026).
4. 'ISO-31000' (2018).
5. O'RQ-580-сон 05.11.2019. "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish haqida (no date). Available at: <https://lex.uz/docs/-4581969> (Accessed: 21 April 2026).